Сиғим пўлатдан ясалади. Сода эритмаси сменада ишлатиладиган сарф учун мўлжалланади. Пастки қисмида очик буғ бериш учун барбатёр ўрнатилган. Концентрацияси 350 г/л , зичлиги 1297 г/см^3 бўлган консистенцияланган сода эритмаси сарф миқдори.

Совун ишлаб чиқариш цехининг қуввати – $2,5\text{ т/соат}$ ни ташкил қилади.

$$V = 500 * 2,5 = 1250\text{ кг} = \frac{1250}{1,297} = 1\text{ м}^3 / \text{соат}$$

Технологик тизимни узлуксиз равишда ишлашини инобатга олсак: Смена учун

$$V = 1 * 8 = 8\text{ м}^3$$

Хажми 8 м^3 бўлган сиғим қабул қиламиз. Сиғим ўлчамлари $D=2,5\text{ м}$ $H=3,2\text{ м}$

3. Каустик сода эритмаси учун сиғим.

Сиғим пўлатдан ясалади. Сода эритмаси сменада ишлатиладиган сарф учун мўлжалланади. Пастки қисмида очик буғ бериш учун барбатёр ўрнатилган. Концентрацияси 420 г/л , зичлиги 1345 г/см^3 бўлган консистенцияланган каустик сода эритмаси сарф миқдори.

Совун ишлаб чиқариш цехининг қуввати – $2,5\text{ т/соат}$ ни ташкил қилади.

$$V = 101 * 2,5 = 252,5\text{ кг} = \frac{252,5}{1,345} = 0,2\text{ м}^3 / \text{соат}$$

Технологик тизимни узлуксиз равишда ишлашини инобатга олсак: Смена учун

$$V = 0,2 * 8 = 1,6 \approx 2\text{ м}^3$$

Хажми 2 м^3 бўлган сиғим қабул қиламиз. Сиғим ўлчамлари $D=2\text{ м}$ $H=2\text{ м}$

5. Совун йиғгич.

Бу бак совун пишириш бўлими ва механик ишлов бериш бўлимидаги боғловчи ускуна хисобланади. Совун йиғгичнинг буғ кўйлаги бўлиб, совун асосини суюқ ҳолатда бўлишини таъминлайди. Унинг хажмини смена мобайнида битта вакуум қуритиш ва механик ишлов бериш тизимининг қувватига

					<i>Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш</i>	<i>Лист</i>
						32
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

тенг деб оламиз. Тизим қуввати 2,5 тонна/соат.

$$V = \frac{G}{\rho * \varphi} = \frac{2,5}{0,9 * 0,9} = 3 \text{ м}^3 / \text{соат}$$

G – Бирсоатда ишлатиладиган ёғли хом ашё сарфи 60 / 24 = 2,5

ρ – совуннинг уртача зичлиги

φ – тулдириш коэффициент

Совун йиғгич ўлчамлари: Д=3 м Н=3 м

6. Таъминловчи бак.

Совун йиғгич ва вакуум қуриштиш ускунаси орасида ўрнатилган бак ҳисобланади. Бу бак асосан дозаловчи насосда доимий босим бўлишини таъминлайди.

Техник тавсифи

Бак диаметри, мм	1260
Баландлиги, мм	1425
Хажми, м ³	1,6
Оғирлиги, кг	570
Иситувчи сув босими, атм	0,2

7. Совун асоси учун фильтр.

Совун асосини механик аралашмалардан тозалайди. Ускуна филтрлаш патрони, буғ кўйлаги ва қопқокдан иборат. Филтрловчи патрон иккита сеткадан тузилган бўлиб, улар қаттиқ туриши учун сим билан маҳкамланган. Совун асоси филтрловчи патрон юзасига берилади ва олд қисмидан тозаланиб чиқиб кетади.

8. Дозаловчи насос.

Бу турдаги насослар конструкцияси оддийлиги ва нархи арзонлиги туфайли ёғ-мой саноати корхоналарида қовушқоқ маҳсулотларни (суюқ совун, парафин, мой кислоталар, гудрон, мазут ва бошқ.) узатиш учун қўлланилади.

Техник тавсифи

Иш унумдорлиги, м ³ /соат	3,95
Шестерналарнинг айланиш сони, айл/мин	
Максимал х минимал	288х30

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини таъкил этиш	Лист 33
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Электродвигател қуввати, кВт	4
Айланиш сони, айл/мин	1500
Ўлчамлари:	
Эни х баландлиги, мм	580 х 1230
Оғирлиги, кг	550

9. Иссиқлик алмаштиргич.

Совун асосини маълум хароратгача қиздириб, вакуум камерага беради. Ускуна иккита қувурли секциядан иборат. Совун қувурнинг пастки қисмидан берилади. Қарама-қарши томон қувур бўшлиғига буғ берилади. Иситиш зонасида совуннинг бўлиш вақти 50 секунд, унумдорлиги 2 т/соат.

Техник тавсифи

Иш унумдорлиги, м ³ /соат	3,95
Секцияда қувурлар сони, дона	211
Иситиш юзаси, м ³	36
Буғ босими, атм	8
Совун асоси харорати, °С	160
Ўлчамлари:	
Пастки секция диаметри, мм	265
Баландлиги, мм	3340
Юқори секция диаметри, мм	265
Баландлиги, мм	4240
Оғирлиги, кг	690

10. Вакуум қуртиш ускунаси.

Ускуна асосан суюқ совун асосини қаттиқ совунга айлантириб беради. Суюқ совун асоси деворларга сепиб берилганда қурийди, кристалланади ва совийди.

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташиқил этиш	Лист 34
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Хўжалик совуни учун вакуум қуритиш камерасининг техник тавсифи

Иш унумдорлиги, <i>т/соат</i>	2 гача
Электродвигателнинг қуввати <i>кВт</i>	4,5
Ўқнинг айланиш частотаси, <i>айл/мин</i>	12,4
Камерадаги абсолют қолдиқ босим, <i>кПа</i>	1,3-4
Камера корпусининг диаметри, <i>мм</i>	1590
Камеранинг баландлиги, <i>мм</i>	4470
Деворнинг қалинлиги, <i>мм</i>	12
Массаси, <i>кг</i>	3480

11. Циклонлар.

Вакуум камерада чикаётган газ-буғ аралашмадан совун чанглари тутиб қолади. Улар ўзаро кетма-кет уланади.

Биринчи циклон вакуум камерага, иккинчи циклон эса барометрик конденсаторга уланган бўлади.

Техник тавсифи

Циклон диаметри, мм	360
Шнекни айланиш сони, айл/мин	20
Электродвигател қуввати, кВт	3
Айланиш сони, айл/мин	20

12. Икки босқичли шнек-пресс.

Шнек-пресс вакуум камерада чиққан совун қириндиларига механик ишлов бериб, бироз совутиб, ҳамда совунни гранула ёки баргсимон ҳолатга келтиради.

Техник тавсифи

Қиринди бўйича иш унумдорлиги, т/соат	2
Юқори ва пастки қисмдаги шнекларнинг электродвигатели қуввати, кВт	22
Айланиш сони, айл/мин	1500
Айланиш сони, айл/мин	12
Габарит ўлчамлари: Узунлиги х Эни х Баландлиги	3600 х
	2200
Оғирлиги, кг	6700

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташиқил этиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		35

2.4. Хом ашё ва тайёр маҳсулот тавсифи

Ёғли хомашё. Совун сифати ишлатиладиган ёғлар сифатига боғлиқ бўлади. Атир совунига ишлатиладиган хомашёларга юқори талаблар қўйилади. Тўқ рангли ёкимсиз ҳидли хомашёлар хўжалик совунга ишлатилади. Хайвон ёғлари: қўй, мол ёғлари совун учун кимматли хомашё ҳисобланади, айникса атир совун учун. Техник хайвон ёғлари – хўжалик ва атир совунларга ишлатилади. Уларни таркибида ёғ бўлган хомашёларни қиздириш усули билан олинади. Кокос ва пальма ядро мойлари атир совуни учун ишлатилади. Уларда 52 % гача лаурин ва 19 % гача миристин кислотаси бор. Бу ёғлар совуннинг қайишқоқлигини оширади. Пальма ёғи ёғ кислота тузилишига қараганда хайвон ёғларига якин ва атир совун олиши учун ишлатилади. Саломас – юқори титрлиси (46-48⁰С) хўжалик совуни учун, паст титрлиси (39-42⁰С) атир совун учун ишлатилади. Соапстокдан олинадиган ёғ кислоталари дистилланган ҳолида ишлатилади. Синтетик ёғ кислоталари совун пиширишда табиий ёғ кислоталари ўрнига ишлатилади. Фракцияси C₁₀- C₁₆ бўлганлар кокос ёғи ўрнига, C₁₇-C₂₀ қаттиқ ёғ ўрнига ишлатилади.

Синтетик ёғ кислоталарни камчилиги: C₁₀-C₁₆ фракцияси таркибида 4-5 % паст молекулали C₅-C₉ кислоталар бўлиб, уларни совуни кўпикламайди ва ювиш қобилятига эга эмас, бундан ташқари бу совунларнинг сувдаги эритмалари одам терисига таъсир қилади, терини қуритади. C₁₇-C₂₀ фракцияли синтетик ёғ кислоталар (СЁК) таркибида 15-20 % юқори молекулали ёғ кислоталари (C₂₅ гача) бўлиб, уларни совуни сувда яхши эримайди ва паст ювиш қобилятига эга. Шу сабабдан синтетик ёғ кислоталари совун пиширишда табиий ёғ кислоталарини тўла қонли ўрнини боса олмайди. Сифатли совун олиш учун синтетик ёғ кислоталари таркибида асосан C₁₂-C₁₆ ва C₁₇-C₁₈ фракцияли кислоталар ва юқорида санаб ўтилган аралашмалардан ҳоли бўлиши лозим.

Рецептура тузиш. Совуннинг ёғли хомашё рецептурасига унинг физик-кимёвий хусусияти, таннархи, тайёрлаш технологияси боғлиқ бўлади. Шунинг учун рецептура тузиш сифатли совун ишлаб чиқаришнинг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Рецепттура тузганда шундай ёғларни танлаш керакки совун

					<i>Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш</i>	Лист 36
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

қаттиқ ва қайишқоқ, яхши эрийдиган, кам сарфланадиган ва яхши ювиш қобилятига эга бўлиши лозим.

Рецептура тузишда ёғли хомашё таркибига кирувчи ёғ кислоталарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Совун пиширишда қўлланадиган ёғ кислоталар миқдори совун турига, уни ишлатиш шароити, ҳамда сақлашдаги ҳиди, ранги, пластиклигини барқарорлигига қараб белгиланади.

Совун ишлаб чиқариш хомашёси бўлган ёғ кислоталар (нейтрал ёғлар)нинг хоссаларини характерлайдиган асосий физик-кимёвий кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

-ёғ кислоталар титрли, совуннинг қаттиқлиги, пластиклиги ва совунни сувда эрувчанлигини шу кўрсаткичлар белгилайди;

- ёғ кислоталарнинг нейтралланиш сони (ёғларнинг совунланиш сони), совун пиширишда ишқор сарфи шу кўрсаткичга боғлиқ;

- йод сони, ёғ кислоталарнинг тўйинмаганлик даражасининг кўрсаткичи бўлиб, оксидланиш ва қўшимча чидамлиликини кўрсатади;

- ўртача молекуляр масса, совуннинг ювиш қобиляти, совун елимини тузлашда электролит концентрацияси ва бошқалар шу кўрсаткичга боғлиқ бўлади.

Совунни асосий физик-кимёвий кўрсаткичи бўлган титр қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$T_{ap} = (T_1C_1 + T_2C_2 + \dots + T_nC_n) / 100,$$

бу ерда: $T_1; T_2; \dots; T_n$ – ёғли аралашмадаги компонентларни титри, °С;

$C_1; C_2; \dots; C_n$ – ёғ аралашмасидаги компонентларни миқдори, %.

Совунни бирор тури учун ҳисобланган титр, стандарт бўйича шу кўрсаткичга қўйиладиган талабларга мос келиши лозим.

Хўжалик совунининг ёғли рецептураси. Мамлакатимизда хўжалик совуни ишлаб чиқариш учун кенг қўламдаги ёғ ва ёғ ўринбосарлари ассортиментлари ишлатилади. Жумладан: ўсимлик мойларидан олинган юқори титрли саломас ёғ кислоталари; синтетик ёғ кислоталарнинг C_{10} - C_{16} ва C_{17} - C_{20} фракциялари; ўсимлик мойлари рафинациясидан олинган соапстокни ёғ кислоталари ва ҳайвон ёғлари. Тўқ рангли ва нохуш ҳидга эга бўлган техник ўайвон ёғлари, ёғ ўринбосарлари ва ёғли чиқиндилар сифати яхшиланган

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		37

ҳолатдагина ишлатилади.

Хўжалик совунларининг ёғли рецептурасини жадвалда кўрсатилган. Ёғли аралашма титри 35-42⁰С бўлиши керак.

Хўжалик совуни рецептураси

Хом ашё	Ёғ кислоталари миқдори	
	72% хўжалик совуни	60% хўжалик совуни
Саломас	38-60	22-46
Мол ёғи	5-17	5-12
Соапсток Ё.К.	0-7	23-25
С.Ё.К.	12-40	16-48

Хўжалик ва атир совуни сифат кўрсаткичлари. Совунлар сифатининг асосий кўрсаткичларидан бири ёғ кислоталар миқдори. Совунни мукамал маҳсулотлигини аниқлаш учун “сифат сони” (С.с.) кўрсаткичи киритилган. Сифат сони (С.с.) – бу совун бўлагидаги ёғ кислоталар миқдори. У қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$C.c = \frac{m * \text{Ё.к.}}{100}$$

бу ерда: m – совун бўлагининг оғирлиги, г;

Ё.к.- ёғ кислоталар миқдори, %;

Стандарт бўйича оғирлиги 400 г 60 % ли хўжалик совунининг сифат сони 240±6г; 72%-ли совун учун (бўлак оғирлиги 250 г); 180±4га тенг бўлади.

Болалар совуни ва I– III гуруҳ массаси 100г бўлган атир совунлари учун сифат сони 75±1г., 80% ли учун 80±1. га тенг.

Ёғ кислоталарини миқдорига қараб совун сифат сонини олиш учун совун бўлагининг оғирлиги тўғриланади.

Совунни муҳим кўрсаткичларидан бири ёғ кислоталарнинг титри ҳисобланади. Хўжалик совуни учун бу кўрсаткич 35-42⁰С; атир совун учун 36-41⁰С бўлиши лозим. Титрнинг камайиши совуннинг эрувчанлигини ва сарфини кўпайтиради.

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташиқил этиш	Лист 38
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Хўжалик совунда эркин ишқор миқдори 0,2 % гача, атир совунда 0,1 % гача

Na_2CO_3 нинг миқдори хўжалик совунида 1,0 % гача, атир совунда 0,3 % гача бўлиши керак. Совун таркибида эркин ишқорни миқдорини кўпайиши терини қуруқланишига ва матони парчаланишига олиб келади. Совунланмаган ёғ ва бошқа моддаларнинг миқдори хўжалик совунида 2-3,5%, атир совунда 1-2 % бўлади.

Атир совунда шунингдек натрий хлор миқдори ҳам чегараланади, у 0,7% дан ортиқ бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, совунни қайишқоқлиги ёмонлашади ва механик ишлов берилган совун юзасида ёриқлар пайдо бўлади.

Хўжалик совуни учун кўпикни бошланғич ҳажми камида 300мл, атир совун учун 300-350мл бўлиши керак.

Бевосита ёки билвосита усуллар билан совун пишириш қозонларида ёки узлуксиз ишлайдиган аппаратларда тайёрланган совунга товар шаклини бериш учун совуннинг асоси совуннинг турига ва навига қараб қайта ишланади.

Хўжалик совуни совутилади, қуритилади, механик ишлов берилади, қолипланади, бўлақларга бўлинади, штамп босилади ва тайёр совун бўлақлари ящикларга жойланади.

Совун пишириш усуллари. Қўлланилаётган хомашё, совун тури ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларга кўра, совун пишириш турли усулларда олиб борилади. Улар бевосита ва билвосита асосий усуллар ҳисобланади.

Бевосита усул ёғли аралашмаларни, уларга мос келувчи сода маҳсулотлари билан нейтраллаб, совун елими олишга асосланган. Олинган совун елими, ёғ кислоталари концентрацияси ва электролитлар миқдори бўйича белгиланган техник шартлар меъёрларига мос бўлиши керак. Бу усулда пиширилган совун қўшимча жараёнларсиз кейинги ишлов беришга юборилади. Яхши тозаланган ёғли хомашёлардан хўжалик совуни пиширишда бевосита усул кенг қўлланилади. Бевосита усул билан пиширилган совун елими электролит эритмалари билан ишланганда совунли масса икки фаза (ядро ва совун ости ишқори ёки ядро ва совун ости елими) ёки уч фазага (ядро совун ости елими ва совун ости ишқори) ажралиши билан борадиган усул билвосита усул дейилади.

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		39

Таркибида 60-63% ёғ кислоталари бўлган, совун ядросини тузлаш натижасида олинган совун, бевосита усул билан пиширилган совун каби совутилади, қуритилади ва унга механик ишлов берилади. Ҳар хил ифлосликларга эга бўлган ёғли хомашёлардан, соапстоклардан, техник ҳайвон ёғларининг тўқ рангли навларидан, нейтрал ёғлардан хўжалик совуни пиширилганда; ёғ кислоталари ва нейтрал ёғлардан атир совунининг ҳамма турлари ишлаб чиқарилганда билвосита усул қўлланилади.

Совунни совутиш ва қуритиш. Совутиш жараёнида совун кристалланади ва суюқ ҳолатдан қаттиқ ҳолатга ўтади. Совуннинг қаттиқлиги ундаги ёғ кислота миқдорига, ёғ аралашмасини титрига совутиш усулига боғлиқ бўлади. Совунни иккита усул билан қуритиш мумкин:

Ёғ кислоталарини концентрациясини ўзгартирмасдан ҳарорат пасайиб бориши ҳисобига (масалан “механик-модерн” қурилмаси), ёғ кислотаси концентрацияси ортиб бориб намликни буғланиши ҳисобига, бу усул афзалроқдир. Қуритиш ёғ кислотани концентрациясини ошириш мақсадида амалга оширилади. Замонавий ускуналарда совутиш ва қуритиш бирлаштирилган.

Усулнинг мазмуни шундаки қиздирилган совун вакуум камерага сепилиб қуритилади ва совутилади.

Хўжалик совун асосига ишлов бериш. Атир совун асосига ишлов бериш вакуум-қуритиш камералар ёрдамида бажарилади. Совунни совутиш ва қуритиш вакуум остида механик ишлов бериш учун бир қатор кетма-кет ишлайдиган шнекли машиналар ёрдамида амалга оширилади. Бизнинг заводларда унумдорлиги 2 т/соат ЭЛМ линиялари кенг қўлланилади. Баъзи заводларда эса унумдорлиги 4 т/с бўлган “Маццони” линиялари жорий қилинган.

Совуннинг сифати в физик кимёвий кўрсаткичлари совун ишлаб чиқаришда ишлатилаётган хом ашёлар сифатига узвий равишда боғлиқ бўлади.

Суюқ ўсимлик мойлари хўжалик совуни рецептурасига оз миқдорда титрини пасайтириш учун солинади. Пахта мойи таркибида 30% тўйинган ёғ кислоталари бўлиб, асосий қисмини пальмитин ташкил қилгани учун қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади.

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш	Лист
						40
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Совун ишлаб чиқаришда гидрогенланган ўсимлик мойлари яъни саломас кенг қўлланилади. Хўжалик совуни ишлаб чиқаришда титри 46-50°C бўлган соламаслардан кенг фойдаланилади.

Синтетик ёғ кислоталари совун ишлаб чиқаришда табиий ёғлар ўрнига ишлатилади. Уларнинг муҳим камчилиги таркибида қатор аралашмалар мавжудлиги бўлиб, совуннинг физик-кимёвий хусусиятларини ва ювиш қобилитини пасайтиради.

Совун ишлаб чиқариш корхоналарида синтетик ёғ кислоталарининг икки фракцияси ишлатилади.

1. Углерод атоми $C_{10}-C_{16}$ га тенг бўлган фракция
2. Углерод атоми $C_{17}-C_{20}$ га тенг бўлган фракция

Хўжалик совуни таркибида синтетик ёғ кислоталар миқдори 35-40% га тенг бўлади. Синтетик ёғ кислоталарнинг $C_{17}-C_{20}$ фракцияси қаттиқ ёғлар ўрнига $C_{10}-C_{16}$ фракцияси қаттиқ ёғи ўрнига совун титрини тўғрилаш учун қўшилади.

Синтетик ёғ кислоталари сифат кўрсаткичлари ТУ-38302-30-50-92 бўйича қуйидаги жадвалда кўрсатиб ўтилган.

Синтетик ёғ кислоталари сифат кўрсаткичлари

Синтетик ёғ кислоталарнинг кўрсаткичлари	$C_{10}-C_{16}$ фракция учун	
	Олий нав	Биринчи нав
Ташқи кўриниши (20+5°C)	Оқ рангдан крем рангигача	Оқ рангдан оч сариқ ранггача
Эриш харорати °C	24-32	35-35
Кислота сони мг КОН	240-260	240-260
Сувнинг масса улуши	1,0	1,0

Пахта саломаси ТУ-10-04-02.70.90 бўйича қуйидаги талабларга мос келиши керак.

Пахта соламаси кўрсаткичлари

Саломас сифат кўрсаткичлари		Хўжалик совуни учун	
		Марка, 3	Марка, 4
15-20°C хароратда ранги, тўқ эмас		Крем ранги	Жигарранг

						Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана	Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш	41

Титри (ёғ кислотларининг қотиш харорати), °С	46-50	46-50
Кислота сони, мг КОН/г	5	Чекланмаган
Намлик масса улуши ва учувчан моддалр миқдори, % да	0,3	0,3
Никель миқдори мг/кг	20	60
Йод сон, г J ₂ /гр	65	55

Ёрдамчи материаллар

Совун пишириш жараёнида ишлатиладиган ишқорни сақлаш ва ташишда уни таркибидаги NaOH ва Na₂CO₃ ларнинг кимёвий фаоллиги атмосфера хавоси таъсирида пасайиши мумкин. Шунинг учун ҳам ишқор корхонга келтирилганда унинг таркиби текширилади. Натрий корбонат (Na₂CO₃) ёки калцинатцияланган сода синтетик ёғ кислоталар, соламасдан совун пиширишда арзон хом ашё хисобланади.

Техник NaOH ўювчи натрий (ГОСТ 2263-79) корхонага суюқ ёки қаттиқ таблетка ҳамда қошларда қабул қилинади. Ўювчи натрий суюқ ҳолда қабул қилинса, ҳар бир цистерна ёки контейнер диаметри 15-18 мм бўлган шиша трубка ёрдамида намуна олинади. (трубканинг узунлиги цистерна тубига тушадиган бўлиши керак). Намуна олишдан олдин цистерна ёки контейнер ичидаги суюқлик яхшилаб аралаштирилади.

Олинган намуналар лаборатория шароитида аналиш қилинади. Қаттиқ ҳолда олиб келинган натрийдан 20 г тарозида тотиб олиниб 250 дисстилангн сувда 600 мл стакан иишларда эритилади ва 20°С совутилади. Кейин 0,1 н бўлган HCl эритмаси билан титрланилади, NaOH ва Na₂CO₃ миқдори аниқланилади.

Суюқ ишқорий анализ қилиш учун 40 мл тортиб олинади ва 500 мл колбага солиниб белгисигача сув билан тўлдирилади. Бунда ҳам 0,1 н бўлган HCl эритмаси билан титрланиб, NaOH ва Na₂CO₃ миқдори аниқланилади.

Ўювчи калий (KOH) суюқ мойсимон ва махсус совунлар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Оксидланишга қарши моддалар билан оксидланишни олди олиш учун ва совуннинг сифатини бузилишни олди олиш мақсадида таркига қўшилади.

					<i>Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташиқил этиш</i>	Лист 42
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

2.7. Технологик жараёнларнинг техно-кимёвий назорати

Совун ишлаб чиқаришда технологик физик кимёвий назорат қилишдан мақсад, мойли хом ашёлар сифатини назорат қилиш, чиқаётган махсулот сифат кўрсаткичлари бўйича белгиланган талабларга жавоб бериш бурмаслигини кузатиб боришдан иборат. Бундан ташқари ёрдамчи хом ашёлар сифати ҳам назорат қилиб борилади.

Технологик физик – кимёвий назоратдан кўзда тутилган яна бир муҳим бир вазифа ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва кетаётган технологик жараёнлар режимларини, яъни ҳарорат, босим, махсулот намлиги, совун пишириш жараёнида ишлатилаётган мойли хом ашёларни концентрацияси каби ўлчов бирликлари ҳам назорат қилиб борилади.

Совун ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш вақтидаги йўқотишларни максимал даражада пасайтириш ва бунинг натижасида махсулот олинishi муҳим аҳамиятга эга. Совун ишлаб чиқариш жараёнини хажмий ўлчов орқали ҳисобга олиб бўлмайди. Совун ишлаб чиқариш учун берилаётган ҳар бир мойли хом ашё аниқ ўлчаниб, сўнгра совун пишириш қозонларига берилади.

Чунки ҳарорат ўзгариши билан мойли хом ашёларнинг зичлиги ўзгаради. Шунинг учун совун пишириш вақтида мойли хом ашёларнинг сарфини ҳисоблаганда мойли хом ашёларни оғирлик ўлчов бирлиги бўйича ҳисоблаш амалга оширилади.

Нейтрал ёғлар парчаланганда ёғ кислоталарнинг чиқиши учлицидларнинг массасига нисбатан 95% ни ташкил этади. Назарий жиҳатдан ҳисоблаганда хўжалик совуни ишлаб чиқаришда қайтмас йўқотишлар 2-3 кг/тонна; атир совун ишлаб чиқаришда 5-6 кг/тонна деб қабул қлинган. Ишлаб чиқариш шароитида эса ҳақиқий йўқотишлар махсулотнинг ҳар тоннасига нисбатан бир неча баробар кўп. Ҳисобга олиш вақтидаги нейтрал ёғ таркибидаги ёғ кислоталар миқдори, ҳақиқий ёғ кислоталар миқдорлари (95,5-95,7%) фарқи ҳисобига тўлдирилади.

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш	Лист 43
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Қуйида асосий совун турларини ишлаб чиқаришда мойли хом ашёларни ҳисоблаган вақтда таркибдаги ёғ кислоталарга нисбатан қайта ҳисоблаганда ишқор (каустик содага нисбатан қайта ҳисоблаганда) сарф миқдори берилган.

Совун турига қараб ишқор сарфи

Хўжалик совуни	Ёғ кислоталар миқдори, гр	Ишқор сарфи
60%	602-604	96-97
72%	723-724	114-116
65%	653-654	103-105

Тайёр совун массаси қўлга олинганда қаттиқ бўлиши керак, қирқилганда бир текис, ёриқсиз, юзасида доғ бўлмаслиги керак, ҳамда текис кесилган бўлиши керак. 72% ли совун ранги оч сариқ, 60% ли совун ранги оч жигарранг бўлиши керак. Тайёр совун массасидан бузилган мой ва бошқа бегона ёқимсиз хидлар келамаслиги лозим.

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини таъкил этиш	Лист
						44
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

3. Меҳнат муҳофаза қилиш

Саноат корхоналарида давлат санитария назоратини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология хизмати ходимлари олиб боради. Уларнинг асосий вазифаси ташқи муҳитни саноатнинг зарарли чиқиндилари билан ифлосланишининг, саноат корхоналарида ишловчилар касалланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш белгилаб қўйилган.

Меҳнат шароитининг яхшиланишига олиб келадиган жами тадбирлар мазмуни бўйича қуйидагиларга бўлинади:

- бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. Буларга захарли ва енгил алангаланувчи суюқликларни сақлаш жараёнларини механизатсиялаштириш, химоя мосламалари, тўсиқлар, автоматик химоя воситалари, сигаал мосламалари, масофадан бошқариш асбобларини қўшимча ўрнатиш ва бошқалар киради;

- ишлаб чиқаришда касб касалликлари олдини олиш чора-тадбирлари.

- меҳнат шароитини умумий яхшилаш чора-тадбирлари.

Саноат корхоналарининг иш жараёнида шикастланиш ва касбий касалликларни камайтириш давлат миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, меҳнат муҳофазаси бўлими раҳбарият ва касаба уюшмалари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгилайди.

Меҳнат гигиенаси асосий вазифаси иш унумдорлигини энг юқори даражада ошириш ва ишловчиларнинг соғлигига зарарли таъсир қилмайдиган шароитларни таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқшддан иборат. Бунда меҳнат гигиенаси ва юрак-томир, онкологик ва асаб касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш муҳотида метериология шароитини ифодаловчи омиллар - ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги, барометрик босими ва иш жойларидаги ҳаво ҳаракатининг тезлиги кишининг иш қобшшятига, меҳнат унумдорлигига ва инсон организми жараёнларига катта таъсир кўрсатади. Инсон танасидаги доимий ҳарорат — организм терморегулятсияси физиологик ва кимёвий жараёнлар асосида ушлаб турилади ва ташқи муҳит билан организм орасидаги иссиқлик алмашинуви тўлиқ таъминланади. Ҳароратнинг 15-20°C, нисбий намликнинг 35-^m

70% бўлиши моддалар алмашинуви ва иссиқлик ажралиши жараёнларини амалда ўзгартирмайди.

20°C даража ҳароратда организмда иссиқлик ажралиши ва буғланиш амалга ошади. Инсон организмдан буғланиш ҳисобига тер ажралиб чиқиши, уни иссиқ уришидан сақлайди. Нисбий намлик 80-85% дан ортиб кетганда, организмдан ажралаётган тернинг буғланиши секинлашиб физиологик терморегулятсиянинг бузилиши содир бўлади.

Организмнинг ташқи муҳит билан иссиқлик алмашинуви метериологик шароитдан ташқари, бажарилаётган ишнинг тури ва ишчининг физиологик ҳолатига ҳам боғлиқдир. 30°C даражадан юқори бўлган ҳароратда ишчи бир сменада 10-12 литрдан ортиқ тер ажратиши ва 10 грамм ўрнига 30-40 грамм туз йўқотиши мумкин. Бундай миқдордаги туз йўқотиш организмнинг сувни сақлаб туриш қобилиятини сусайтиради ва иссиқ уриш содир бўлиши мумкин. Иш жойларидаги ҳаво ҳароратнинг тезланиши ҳисобига ҳаво ҳароратининг пасайиб кетиши танани ҳаддан ташқари совушига ва бунинг натижасида шамоллаш касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ишлаб чиқариш зоналарида «Саноат корхоналарини лойиҳалаш санитария меъёри» (СН 245-71) га асосан бажарилаётган ишнинг тури ва йилнинг фасллари ҳисобга олиб, доимий ва ўзгарувчи иш жойлари учун метериология шароитлари даражалари белгилаб берилган. Йилнинг совуқ ва ўзгарувчан даврлари учун ишлаб чиқариш биноларидаги мўътадил ҳаво ҳарорати 16-22°C, нисбий намлик 60-30%, ҳаво оқими тезлиги 0,2-0,3 м/с деб қабул қилинган, рухсат этилган ҳаво ҳарорати эса 18-22°C, нисбий намлик 75%, ҳаво оқими тезлиги 0,3-0,5 м/с таъминланиши керак. Иссиқ давр учун мақбул ҳаво ҳарорати 18-25°C, нисбий намлик 60-30 %, ҳаво оқими тезлиги 0,3-0,7 м/с белгиланган, рухсат этилган ҳаво ҳарорага 33°C гача, нисбий намлик 75 %, ҳаво оқими тезлиги 0,3-1 м/с таъминлаши керак.

Агар ишлаб чиқариш корхоналари биноларидан 1 м³ ҳажми бўйича бир соатда 20 килокаллориядан ортиқ иссиқлик ажралиб чиқадиган бўлса, бундай бинолар иссиқ тсехлар деб аталади. Санитария меъёрига асосан иссиқ тсехларда совуқ ва ўзгарувчан даврларда мақбул ҳаво ҳарорати 16-22°C, нисбий намлик 60-

					<i>Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш</i>	<i>Лист</i>
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		46

30%, ҳаво оқими тезлига 0,2-0,3 м/с белгиланган, рухсат этилган ҳаво ҳарорати эса 13-24°C, нисбий намлига 75%, ҳаво оқими тезлиги 0,5 м/с бўлиши керак. Иссиқ давр учун мақбул ҳаво ҳарорати 18-25°C, нисбий намлик 60-30 %, ҳаво оқими тезлиги 0,2-0,7 м/с белгиланган, рухсат этилган ҳаво ҳарорати 28°Cгача, нисбий намлиги 75 %, ҳаво оқим тезлиги 0,3-1 м/с бўлиши керак.

Талабга жавоб бера оладиган метериологик шароит яратиш учун корхоналарни лойиҳалаш, ишга тушириш ва ишлаб чиқариш жараёни давомида, юқорида келтирилган санитария меъёрларини таъминлаш мақсадида маълум чора-тадбирлар амалга оширилади. Улар қаторига саноат корхоналарининг иссиқ хоналаридаги иссиқлик ажратувчи қурилма ва ускуналарни алоҳида хонага жойлаштириб, уларни пенебетон, асбест каби материаллар билан муҳофаза қилиш ёки ташқарига жойлаштириш тадбирлари киради. Шунингдек, хоналар табиий ва механик шамоллатиш воситалари билан таъминланиш керак. Иссиқ хоналарда ишловчи ишчилар 0,5% ош тузи солинган ичимлик сувлари билан таъминланиши зарур.

Ҳаво ҳароратини ўлчаш учун ҳар хил симобли, спиртли ва юқори-қуйи контактли термометрлардан, ўзи ёзар термографлардан ҳавонинг нисбий намлигини ўлчаш учун психрометрлардан фойдаланилади.

Саноатда электр қувватидан кенг қўламда фойдаланиш йўлга қўйилганлиги сабабли электр токи таъсирида рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар ва улардан сақланиш муҳим масалалар қаторига кириб бормоқда.

Ёнғин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга: заҳарланиш, қуйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳавода бўлган заҳарли газ ва буғлар тери орқали сўрилиши мумкин, чунки тери нафас олиш жараёнида қатнашади. Бундан ташқари, ҳаводаги заҳарли буғлар ва газлар теридаги ёғ қатламида эриб, кейинчалик у орқали сўрилиши мумкин. Ёғсимон моддаларда эрувчан заҳарли моддалар, хусусан, углеводлар, ароматик аминлар, бензол, анелин каби бирикмалар тери орқали ўтиш хусусиятига эга.

					<i>Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш</i>	<i>Лист</i>
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		47

Заҳарнинг тери орқали ўтиши уларнинг ёғлардаги эрувчанлигига эмас, балки тери қопламидаги эриган модданинг қонга ўтиш имкониятини маълум даражада белгилаб беради.

Ишлаб чиқаришдаги заҳарларнинг тери орқали ўтиш хусусиятини гигиеник меъёрларда ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказишда ҳисобга олинади: бундай моддалар учун ҳаводаги йўл қўйиладиган миқдор бирмунча паст белгиланади, тери қопламаларини ҳимоя қилиш чоралари кўзда тутилади, ишдан кейин, албатта, ювиниш тавсия этилади.

Заҳарлар овқат ҳазм қилиш йўллари орқали ҳам таъсир этиб боради. Айниқса, чанг ҳолатидаги моддалар бурун-ҳалқум ва нафас йўллари юқори бўлимининг шиллиқ пардасида тутилиб, йўталиш, аксиришда шиллиқ билан қисман чиқарилади, қисман ютилади ва меъдага тушади.

Ҳозирги шароитда ишчиларнинг иш жойларидаги муҳитда заҳарларнинг бўлмаслигани талаб этиши, албатта, табиий ҳисобланади, шундай натижага эришиш эса жуда мушкул техник вазифа бўлиб, уни бажариш катта моддий харажатлар билан боғлиқдир. Шунга кўра меҳнат гигиенасида йўл қўйса бўладиган безарар миқдорларни асослаш зарурати вужудга келади.

ДСТ нинг «Иш зонаси ҳавоси» бўлимида бу миқдор қуйидагича белгиланади: иш зонаси ҳавосида зарарли моддаларнинг 8 соат давомида ёки ҳафтасига 40 соатдан ошмаган меҳнат жараёнида, текшириш услублари билан аниқланадиган касалликлар ёки соғлиқ ҳолатидан четланишлар келтариб чиқармайдиган миқдорга йўл қўйилади. Заҳарли моддалар учун ЙҚМ белгиланган бўлиб, уларни асослаб беришда замонавий илмий нуқтаи назарлардан фойдаланилади, организмнинг нозик физиологик ва биохимик кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Шовқинга қарши кураш ва муҳим ва мураккаб масаладир, бу масалани муваффақиятли ҳал қилишда барча муассасалар, тегишли ташкилотлар, шунингдек, олимлар, новаторлар, муҳандислар, ратсионализаторлар ва кенг жамоатчилик қатнашишлари керак.

Шу боисдан тегишли машинада шовқин ва тебраниш маибаи бўлган иш органларини аниқлаб, сўнгра бу зарарли омилларни ҳисобга олиб дарҳол

камайтириш учун чора-тадбирлар кўриш лозим.					Лист
Қувватли 15 тоғий сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш					48
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана	

4. Атроф-муҳит муҳофазаси

XX асрнинг охирида инсоният олдида ўта муҳим ва улкан муаммолар пайдо бўлди. Ерда ҳаётнинг сақлаб қолиниши бу муаммоларнинг ҳал қилинишига боғлиқ бўлиб қолди. Бу табиий муҳитнинг ўзгариши, биосферанинг ифлосланиши, хом ашё, энергетика ва озиқ-овқатлар кризислари билан боғлиқдир.

Табиатни муҳофаза қилиш масаласи тинчликни сақлашдан кейинги ўринда турадиган энг долзарб муаммолардан биридир. Атрофимиздаги табиат миллионлаб йиллар давомида юзага келган ҳамда ўзининг мураккаб қоиунларига риоя қилган ҳолда яшайди. Ана шу табиат билан инсон ўртасида мураккаб мувозанат мавжуд.

Ўзининг яшаши учун табиий муҳитга мослашадиган ҳайвонлардан фарқли ўларок, инсон ўзининг яшаши учун табиатга фаол аралашиб, муҳитни ўзгартиради ва у билан муносабатда бўлиш учун янги шаклларни яратади. Иқтисодий ва экологик манфаатларни бир-биридан фарқлаш лозим.

Кишилиқ жамиятиинг иқтисодий манфаатлари - бу табиий ресурслардан фойдаланиш ҳисобига ўзининг моддий эҳтиёжларини қондиришдир. Экология манфаатлар эса кишилиқ жамияти фаолиятининг табиат учун зарарли, масалан, атмосфера ва сувнинг ифлосланиши, атмосферада карбонат ангидриднинг кўпайиши натижасида Ерда парник эффектиинг ривожланиши каби оқибатларни бартараф этиш инсон учун онгли заруриятдир. Иқтисодий манфаатлар жамият ривожланишининг ижтимоий қонунларини акс эттирса, экологик манфаатлар табиат ривожланишининг биологик қонунларига асосланган. Уларнинг мақсади - кишилиқ жамияти билан уни ўраб турган табиат ўртасида моддалар ва энергия алмашинувиини узлуксиз жараёлари рўй бериши мумкин бўлган яшаш муҳитини яратади.

Атмосфера ҳавоси таркибида зарарли газларнинг энг аввало карбонат ангидрид миқдорининг кўпайиши натижасида "парник эффекти" вужудга келди. Чунки (карбонат ангидрид гази қуёшнинг қисқа тўлқин нурларини ер юзига ўтишига тўсқинлик қилади, аксинча ер юзасидан коинотга тарқалганлиги учун тўлқинли нурларни ушлаб қолади; натижада сайёрамиз юзасидан

					<i>Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалиқ совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш</i>	Лист 49
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

ҳавонинг ўртача ҳарорати ортиб боради. Шунинг натижасида 2010 йилга бориб ер юзаси ҳавосининг ўртача ҳарорати $0,5^{\circ}\text{C}$ га исийди. Агар атмосфера ифлосланишининг олди олинмаса Америка олимларининг ҳисобига кўра, 2050 йилда сайёрамиз ҳарорати $1,5-4,5^{\circ}\text{C}$ гача исиши мумкин. Бунда музликлар эриб, океан сувлари кўтарилиб, қуруқликнинг бир қисмини сув босади ва табиатни ўзгартиради.

Иқтисодий ва экологик манфаатлар қарама-қаршиликлар курашида объектив мавжуд бўлади. Уларнинг бирлиши шуандай иборатки, улар жамиятнинг ҳаётий фаровонлигини таъминлашга қаратилган, лекин мазмуни, мақсади ва уларга эришиши жиҳатидан қарама-қаршидир.

Ерда одамлар сони бир неча юз миллион миқдорида қолса эди, уларнинг яшаши учун табиатга кўрсатган зарари кам таъсир қилган бўларди. Кишилиқ жамияти ишлаб чиқариш фаолиятининг улкан хмиқёслари кучли саноат ва қишлоқ хўжалиқ потентсиалини яратишга, барча турдаги транспортни кенг ривожлантиришга, катта ер майдонларини ирригатсиялашга, сунъий иқлим яратишга олиб келади. Шу билан бирга бир вақтнинг ўзида атроф-муҳитнинг ҳолати кескин ёмонлашади. Атмосфера, сув ҳавзалари ва тупроқнинг қаттиқ, суюқ ва газсимон чиқиндилар билан ифлосланиши ҳозирданоқ хавфли ўлчамларга етиб қолди, табиий ресурслар, фойдали қазилмалар, чучук сув ва бошқалар камаймоқда. Кишилиқ жамиятининг ривожланиши ва унинг фан-техника тараққиёти атроф-муҳитга мисли кўрилмаган даражада заҳарли моддалар чиқарадиган янги машиналар ва янги технологик жараёнлар яратишга олиб келди.

Атмосфера ўз-ўзини табиий тозалаш жараёнига эга. Улардаги ёғинлар ифлос моддаларни, ҳавони ювади, шамоллар ҳаюдаги ифлословчи моддаларни учириб, бир жойда тўпланишига йўл қўймайди, тупроққа ёки сув юзасига тушган ифлос моддалар эса реактсияга киради ва оқибатда нейтраллашиб қолади. Лекин саноат айниқса ёқилғи саноати тараққий этган, транспорт ривожланган, қишлоқ хўжалиғи машиналашган ва химиялашган, аҳолининг кўпайиб, урбанизатсия жараёни кучаяётган бизнинг асримизда атмосферанинг сунъий ифлосланиши табиий тозаланишига нисбатан устунлик қилмоқда.

					<i>Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалиқ совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиши</i>	Лист 50
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Шу сабабли атмосфера ўз-ўзини табиий тозалайди, деб хотиржам ўтириш катта салбий оқибатларни чиқариши мумкин. Шунинг учун атмосферанинг суний ифлосланишдан тозалаш йўллари жорий этиш, унинг олдини олиш бугунги куннинг асосий вазифасидир. Буларга бир неча чора-тадбирлар мавжуд, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир.

1. Тутун чиқарувчи трубаларни баландроқ қуриш атмосфера ифлослаишининг олдини олишнинг энг қадимий йўлларида биридир; -бунинг натижасида ифлос чанг ва газлар кенг майдонга ёйилиб, унинг концентратсияси камаяди. Мисол: баландлиги 100 м бўлган трубадан чиқаётган чанг ва газлар радиуси 20 км бўлган минтақага тарқалса, баландлиги 250 м бўлган трубадан чиққан чанг, газлар радиуси 75 км минтақага тарқалади.

2. Печларга кўмир, торф, қорамай ёқишни ўрнига-электр энергиядан, газлардан фойдаланилса - атмосферага чанг, курум, тутун ва заҳарли газлар кам чиқарилади. Республикамиз олимларининг маълумотига кўра, кўмир билан ишловчи корхоналар газга ўтказилса, ҳавога чиқариладиган олтингутурт газ миқдори 10000 марта, углерод оксид миқдори 2000 марта, азот оксидлари миқдори 5 марта камаяди.

3. Саноат корхоналарида зарарли моддаларни тозаловчи ускуналар қуриш. Бунда атмосферани кўплаб ифлословчи чанг, курум, тутун ва заҳарли моддаларни атмосферадан чиқаришдан олдин зарарли таъсирини йўқотадиган тозалаш ускуналари ясаб, ушлаб қолишга ва улардан қайта фойдаланишга эришиш зарур.

4. Атмосфера ҳавосини тоза сақлашнинг муҳим бир бу саноат корхоналарида, коммунал хўжаликда ишлаб чиқариш технологиясига ўзгартириш, чиқиндисиз технология жорий этишдир.

5. Шаҳарлар ҳавосининг ифлосланишини камайтириш ер ости термал сувларидан фойдаланиш яхши натижалар бермоқда

6. Атмосфера ҳавосини тоза сақлашда автотранспорт газларини, дудларини камайтириш жуда муҳимдир.

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш	Лист 51
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Иктисодий қисм:

Техник-иктисодий кўрсаткичлар

№	Курсаткичлар	Ўлчов бирлиги	қиймати
1	Ишлаб чиқариш ҳажми:	кг	15000
2	Капитал маблағ	Минг сум	2197093,4
3	Сотилган маҳсулот	Минг сум	8474503,045
4	Ишчилар сони	Киши	4
5	Мехнат унумдорлиги		
	а)Сотилган маҳсулот бўйича	минг сум	2118625,8
	б)Натурал курсаткич бўйича	кг	1560
6	Уртача иш ҳаки	сум	896140,7
7	Бир дона совуннинг таннарни	сум	1255
8	Бир 1 дона совуннинг баҳоси	сум	1694
9	Фойда	минг сум	2197093,4
10	Рентабеллик	%	25
11	Ўз-ўзини қоплаш муддати	йил	1,0
12	Фонд самарадорлиги	сум/сум	3,9

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини таъкил этиш	Лист 52
Ўзг.	Лист	Ҳужжат	Имзо	Сана		

Хулоса

Республикамиз ёғ - мой саноатининг асосий вазифаси аҳолига экологик тоза, рақобатбардош, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат. Бу вазифани бажаришда мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Ёғ - мой саноатининг асосий вазифаси аҳолига экологик тоза, рақобатбардош, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат. Бу вазифани бажаришда мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлаш катта аҳамиятга эга.

Ёғ-мой саноатининг **асосий вазифаси** аҳолига экологик тоза, рақобатбардош, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат.

Бу вазифани бажаришда мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Ёғларини қайта ишлаш технологияси бир қатор ишлаб чиқариш жараёнлари ўз ичига олади. Булар орасида энг муҳимлари ёғларни рафинатсиялаш, гидрогенлаш, маргарин ва маргарин маҳсулотларни, маянез, ёғ кислоталари, гилитсерин ва хўжалик, атир совунлари ишлаб чиқаришдир. Ҳозирда Ўзбекистон ёғ мой корхоналарида хўжалик совунлари уч турда (60%, 65%, 70% ва 72%ли совунлар) ишлаб чиқарилмоқда.

Совунлар қўлланишга қараб қуйдаги кўрасаткичларга эга; хўжалик совуни бу асосан матолар ва бошқа ҳар хил нарсаларни ювишда қўланилади. Атир совун ёзаликани сақлаш, юз-қўллари ювишда ишлатилади. Метал совунлар (ишқорий-ер ва огир металллар, тузлари) бу совунлар тўқимачилик саноати, пластмаса ва резина техника саноатида, фарматсевтика препаратларини тайёрлашда қўланилади. Қаттиқ хўжалик совунлари 250 ва 400 г огирликда ишлаб чиқарилади. Суюқ хўжакил ва техник мақсадлар учун тайёрланади.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: бу суткасига 15 тонна 72% ли хўжалик совунини ишлаб чиқариш линиясини лойиҳалаш бўлиб, қуйдагилар бажарилади.

➤ Суткада 15 тонна хўжалик совунини ишлаб чиқариш линияси

		лойиҳаланади.			<i>Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш</i>	Лист
						53
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

- совун ишаб чиқариш учун қўшимча материаллар (техник саломас, соапосток, ёғ кислоталари, синтетик ёғ кислоталари, буг, сув) сарфи аниқлаш
- хом ашё сарфи асосида асосий ускуналар танлаш
- хўжалик совуни асосини узлуксиз усул билан тайёрлашни танладим, бунда асосий мақсад, юқорида кўриб чиқилган даврий усулдан авзалроқдир.

Чунки бу усулда пишириш жараёни давомийлигини 10 мартагача, буг сарфлари, ишлаб чиқариш майдонини қисқартиради.

Танланган совун тайёрлаш схемаси даврий бўлиб, икки босқичдан иборат;

- хўжалик совунини даврий усули билан тайёрлаш
- хўжалик совун асосига ишлов беришнинг технологик схемаси.

Ҳозирги вақтда корхоналарда рафинатсия жараёнида ажралиб чиқаётган соапсток Хоразм ваюртимизнинг бошқа ёғ-мой корхоналарига жўнатилмоқда.

Хоразм ёғ- мой корхонасида соапсток қайта ишланиб хўжалик совуни, фосфатидлар, гилитсерин, ёғ кислоталари ишлаб чиқарилмоқда. Ўзимизда яъни лойҳаланаётган корхонада хўжакил совуни ишлаб чиқариш линиясини жорий қилсак, унда Хоразм ёғ - мой корхонасида соапстокдан ажралиб олинаётган ёғ, совун, глитсерин ва бошқа маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилади ва бунда бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи арзонлашишига эришамиз ва аҳолини совун ва соапстокдан олинadиган бошқа маҳсулотларга бўлган талабини қондиришга эришган бўламиз.

					<i>Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини таъкил этиш</i>	<i>Лист</i> 54
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 59б.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланишининг бешта бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
3. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президент Ислон Каримовнинг “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи
4. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент.2009.
5. P.Ilxamdjanov, M. Ergasheva, O.Sulaymanov. Yog-moy sanoati korxonalari va uskunolari. “Sharq” nashriyoti, Toshkent, 2007. 176 b.
6. Масликов В.А. «Технологическое оборудование производства растительных масел» М., Изд. «ПП», 1974.;
7. Чубинидзе Б.Н. и др. «Оборудование предприятие масложировой промышленности» М., «Агропромиздат», 1985.;
8. Копейковский В.М. «Технология производства растительных масел» М., Изд. «Пищевая промышленность», 1982.;
9. Под. Ред.Сергеева А.Г. «Руководство по технологии получения и переработки растительных масел и жиров» Л., ВНИИЖ, том 1, кн.1, 1975 г.; кн. 2, 1974 г.
10. Y.Qodirov. Yog –moy mahsulotlari ishlab chiqarish texnologiyasi. “ Sharq ” nashriyoti, Toshkent, 2007.- 240 b. Y.Qodirov. Yog –moy mahsulotlari ishlab chiqarish texnologiyasi. “ Sharq ” nashriyoti, Toshkent, 2007.- 240 b.
11. И.В.Гавриленко. Оборудование для производства растительных масел. М., Пищевая промышл., 1972. – 312с.
12. Арутюнян Н.С., Аршиева Е.А., Янова Л.И. и др. “Технология переработки жиров” М. Агропромиздат 1985 стр 367
13. Журавлев А.М., Гозенпут Л.Д. «Оборудования жироперерабатывающих предприятий» М. Пиш. Пром. 1976. С. 327.

					Қуввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш	Лист 55
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

14. Е.Д. Ситников «Практикум по расчетам оборудования предприятий для производства жиров и жирозаменителей», М., Агропромиздат. 1991.
15. Б.Н.Чубинидзе и др. Оборудование предприятий масложировой промышленности. М.:Агропромиздат, 1985. -304с.
16. А.М.Журавлев, Л.Д.Гозенпут. Оборудование жироперерабатывающих предприятий. М., Пищевая промышл., 1976. -328с.
17. И.Б.Молчанов. Техническое оборудование жироперерабатывающих производств. М., Пищевая промышл., 1965.
18. Кувшинский М.Н., Соболева А.П. Курсовое проектирование по предмету: “Процессы и аппараты химической промыш.”. – М. : “Высшая школа”, 1980. – 224 с.
19. Лашинский А.А., Толчинский А.Р. Основы конструирования и расчета химической аппараты (Справочник). – М.: “Машиностроение”, 1978. – 406 с. Ю. Шадиметов «Соцэкология кириш» 1994. Тошкент Укитувчи.
20. Ю.В. Новиков «Экология, окружающая среда и человек» М. 1998г.
21. Полоцкий Л.М., Лапшенков Г.М. Автоматизация химических производств; Учебное пособие для Вузов.-М.: Химия, 1985.
22. Юсупбеков Н.Р., Мухамедов Б.Э., Гуломов Ш.М. Технологик жараенларни бошқариш тизимлари. Дарслик, -Т.:Укитувчи, 1997.

					<i>Қўввати 15 тонна сутка бўлган 72 % ли хўжалик совуни</i> <i>ишлаб чиқариш технологиясини ташиқил этиш</i>	<i>Лист</i> 56
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		